

## **ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ҲУТГА МУНОСАБАТИ ИФОДАСИ**

Тўраева Лайло Омоновна

БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

**Калит сўзлар:** ҳут, дехқончилик тақвими, Аямажуз, Ахриман, Наврӯз, маросимлар, айтимлар, балиқ қульти.

**Аннотация.** Ҳар бир ой, ҳафта ва кун дехқонлар учун аҳамиятсиз саналмайди. Жумладан, Ҳут ойи ҳам дехқонлар ҳаётида катта аҳамиятга эга. Ҳут ойида дехқонлар, асосан, ерга турли озуқалар бериш, ариқ-зовурларни қазиб тозалаш, уруғларни экишга тайёрлаш, меҳнат қуролларини ишга ҳозирлаш сингари юмушлар билан банд бўладилар. Ушбу мақолада дехқонларнинг табиат ҳодисаларига муносабати ва уни кузатиб бориши асосида юзага келган тақвим ва унинг фольклордаги бадиий ифодаси тўғрисида илмий мушоҳада юритилади.

Ҳар бир ой, ҳафта ва кун дехқонлар учун аҳамиятсиз саналмайди. Жумладан, Ҳут ойи ҳам дехқонлар ҳаётида катта аҳамиятга эга. Ҳут ойида дехқонлар, асосан, ерга турли озуқалар бериш, ариқ-зовурларни қазиб тозалаш, уруғларни экишга тайёрлаш, меҳнат қуролларини ишга ҳозирлаш сингари юмушлар билан банд бўладилар.

Ҳут шамсий ҳижрий тақвими бўйича йилнинг сўнгги ойи бўлиб, йигирманчи февралдан йигирманчи марта гача (ўттиз кун) давом этади. Ундан сўнг Наврӯз бошланади.

Ҳут – балиқ дегани. Маълумки, қадимги аждодларимиз балиққа алоҳида эътиқодий муносабатда бўлишган. Қадимги мифларда балиқ ернинг таянчи сифатида талқин қилинади. Шундан балиқ қульти билан боғлиқ қарашлар кенг тарқалган. Жумладан, Ўрта Осиёда яшовчи халқлар қаторида ўзбеклар ҳам балиқ қультига ҳозиргача сифиниши кузатилади.<sup>1</sup>

“Авесто”да ғаройиб балиқ Кара Фароф Карт дарёсидаги кавакирна дарахтини ёвуз дев – Ахриманнинг зааридан сақлаши ҳақидаги асотир келтирилган.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Снесарев Г.П. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – М.: Наука, 1983, с.82; Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007, 28-29-бетлар.

<sup>2</sup> Авесто. А.Махкам таржимаси, 357-бе



## Proceedings of International Scientific Conference on Multidisciplinary Studies Hosted online from Moscow, Russia

Date: 11<sup>th</sup> November, 2022

ISSN: XXXX-XXXX

Website: econferenceseries.com

Ернинг тузилиши ҳақидаги мифларда унинг тақдири балиққа боғлаб талқин этилади. Худди шунингдек, дәхқонлар ҳам Ҳут, яъни балиқ ойининг бошланишига қараб, ўз касбларининг йиллик якуни ҳақида хулоса чиқаришга уринишган. Ҳутнинг яхши келишини тилаб, унга бағишилаб маросимлар ўтказишиган. Бу маросимлар жараёнида Ҳутга алоқадор турли айтимлар ижро қилинганд. Жумладан, Бухорда халқи орасида Ҳутнинг бошланишида шундай айтимлар айтилган:

Ҳут ҳутти накун,  
Гандабурутти накун.  
Гўсолакуши накун,  
Кампира дар қутти накун.

Таржимаси:  
Ҳут, ҳутлик қилма,  
Гандабурутлик қилма.  
Бузоқларни ўлдирма,  
Кампирни қутига тиқма.

Чунки баъзи йилларда Ҳут ойининг бошланиши иссиқ келиб, унинг ҳали қиши фаслига тегишли эканлигини одамлар унутиб қўйишади. Ҳатто дараҳтлар гуллай бошлайди. Ёки ёқилғи – ўтин, молларга ем-хашак заҳиралари тугаб қолган бўлади. Шундай кезларда, Ҳут ҳутлик қилиб, совуқ кучайса, кўп нарсани совуқ уриб кетади.

Фольклоршунос М.Жўраев Ҳутнинг “қақрайла”, “сариқсумалак”, “очамсумалак”, “аямажуз”, “аҳман-даҳман”, “хезим хирмон”, “лайлакқор”, “терак кучала”, “ўрик гули қори”, “наси наврўз”, “оби раҳмат”, “куни бекор” каби тақвимий муддатлардан иборат бўлишини қайд этади.<sup>3</sup>

Шундан “хезим хирмон” муддатида Бухоро тожиклари

Ҳуту Наврўз,  
Чил кунда бисўз.  
Баъд аз Наврўз  
Хоҳ шаб гарди,  
Хоҳ рўз.

Таржимаси:

Ҳути Наврўзда,

т.

<sup>3</sup> Жўраев М. Яхши келса Ҳутни кўринг. // Наврўз байрами. – Т.: Фан, 2009, 19-бет.



Ёқасан қирқ кунда.  
Рўзи Наврўзда  
Хоҳ кундуз кез,  
Хоҳ тунда, – сингари айтимларни айтган.

Халқ орасида яна “Хут, қари-қурини ют” ёки “Хут қариларни ют” сингари нақллар юради. Бухоро тожиклари эса Хут ҳақида “Хут агар ҳутти кунад, кампира дар қутти кунад”<sup>4</sup> деб айтишади. Бу бежиз эмас, албатта. Бунда Аямажуз тўғрисидаги халқ қарашларига ишора қилинади. Аямажуз (Ожуз момо) Наврўз келишидан аввалги аёзли шамол кунларининг эгаси ҳисобланади. Шунинг учун бу қунлар **кампир кунлари** деб ҳам юритилади. У ҳақда халқ орасида “Аямажуз олти кун, олти ой қишдан қаттиқ кун” ёки “Азиз момо олти кун, қаҳри келса қаттиқ кун” деган мақоллар ҳамда:

Аввал бадрўз,  
Кейин Наврўз.

Ёки:

Хутнинг ўн саккизидан Ажуз санайвер,

Шундан кейин баҳор келди деявер, – сингари айтимлар бор.

Хуллас, халқ қиши билан баҳорнинг алмашишидаги кунларни аямажуз деб атаган. Шундан сўнг Наврўз нишонланган. Бу вақтда ўзбеклар:

Наврўз келди-ю, одамлар кўнгли шод бўлди.  
Барча жонли жонзот Ажуз наҳсидан озод бўлди.  
Ҳамал ойидан одамларнинг умиди кўп бўлди,  
Янги йил келди-ю, дехқоннинг иши тўп бўлди,  
– тарзида қўшиқлар куйлашган.

Умуман айтганда, қадимги дехқонлар қиши баҳор алмашиши даврини белгиловчи Хут ойига алоҳида муносабатда бўлишган. Унга алоқадор расм-руслар, айтимлар янги меҳнат мавсумидан тўкинлик, яхшилик тилаш мақсадини ифода этган.

<sup>4</sup> Хут хутлик килса, кампирни кутида кўр.



## Proceedings of International Scientific Conference on Multidisciplinary Studies Hosted online from Moscow, Russia

Date: 11<sup>th</sup> November, 2022

ISSN: XXXX-XXXX

Website: econferenceseries.com

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Австо. А.Маҳкам таржимаси. Т., 2001.
2. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.
3. Джабборов И.М. Из истории техники и культуры земледелие Южного Хорезма (конце XIX – XX века) // История материальной культуры Узбекистана. Выш.2. – Ташкент, 1961.
4. Жўраев М. Дехқон дала айланди. // Наврӯз байрами. – Т.: Фан, 2009,
5. Пирматова М.С. Ўзбек тақвим фольклори: Фил.фан. номз.илмий даражаси учун дис. автореферати. – Т., 2008.
6. Снесарев Г.П. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – М.: Наука, 1983.
7. Ураева Д. С., Назарова Г. П. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ҚУШЛАР ОБРАЗИ //МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА. – 2020. – Т. 3. – №. 4.
8. Saidahmedovna U. D., Qizi R. G. B. Beliefs About the "Tree of Life" in Uzbek Folklore //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 8.
9. Saidahmedovna, Uraeva Darmon, and Rustamova Gavhar Bahron Qizi. "Beliefs About the "Tree of Life" in Uzbek Folklore." *Middle European Scientific Bulletin* 8 (2021).
- 10.Тураева Л.О. ARTISTIC AND COMPOSITIONAL FEATURES OF HARVEST SONGS// Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) 2021.- С. 629-634.
- 11.Qodirova N. S. SOME CHARACTERISTIC FEATURES, SKILLS AND STYLE OF THE LITERARY CRITIC //Web of Scholar. – 2018. – Т. 5. – №. 2. – С. 32-35.
- 12.Safarova H. "HAPPINESS IS THE FLAG LANGUAGE, FROM HAPPINESS I AM ALSO A TONGUE!"... ON THE EXAMPLE OF THE WORK OF THE POET SAMANDAR VOHIDOV //Конференции. – 2020.
- 13.Baqoevna R. M., Oxunjonovna S. H., Qodirovna A. Z. ANALYTICAL AND SYNTHESIZED FOLKLORISM IN NAVOI'S WORK //Journal of Contemporary Issues in Business and Government. – 2021. – Т. 27. – №. 2. – С. 1626-1633.
- 14.Omonovna T. L. Artistic understanding of peasant life in proverbs //Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2022. – Т. 9. – С. 47-49.

## Proceedings of International Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Moscow, Russia

Date: 11<sup>th</sup> November, 2022

ISSN: XXXX-XXXX

Website: econferenceseries.com

- 
- 15.Darmon U., Rano R., Dilshod R. The Stylization of Prose Tales in Uzbek Children's Literature //Religación. – T. 4. – C. 170-174.
  - 16.Turaeva U. R. The Scientific Value Of Research On Mirmukhsin Fikriy //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2020. – T. 2. – №. 08. – C. 583-589.
  - 17.Rajabova R. Z. A LITERARY RIDDLE FROM A FOLK RIDDLE //European Scientific Conference. – 2020. – C. 139-141.